Халқ депутатлари Улуғнор тумани Кенгашининг
ҚАРОРИ

2020 йил 30 декабрь **№ 90/18-6** **Улуғнор тумани**

Улуғнор туманининг 2021 йилги
маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига мувофиқ, 2021 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2021 йил учун Улуғнор тумани бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Улуғнор тумани Кенгаши (Кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 24-моддалари модаларини қўллаб, Халқ депутатлари Улуғнор тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Улуғнор туман (кейинги ўринларда туман деб аталади) маҳаллий бюджети даромадлари 14 млрд 288 млн 560 минг, харажатлари 66 млрд 753 млн 216 минг сўм миқдорида прогноз қилинганлиги, туман маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 52 млрд 464 млн 656 минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қарорга асосан 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқ ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно.

айланмадан солиқ;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага беришдан тушадиган даромадлар.

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи туман бюджетига 25 фоиз миқдорида ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

б) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар

2020 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Хукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси борасида туман маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6099-оснли фармони ижроси борасида туманнинг “Жимоний тарбия ва спорт” бўлимларига юридик мақом берилсин ҳамда бўлимларининг сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджетидан молиялаштирилсин.

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КҚ-161-IV-сонли қарорига асосан туман халқ депутатлари Кенгашлари котибиятлари ташкил этилсин ҳамда уларни сақлаш харажатлари белгиланган тартибда тегишли туман маҳаллий бюджетидан молиялаштирилсин.

4. 2021 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари

1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган

миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари

3-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда туман ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Маҳаллий ҳокимликларни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича маъсулиятини ошириш орқали маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида айланмадан солиқ ва давлат активларини ижарага беришдан тушумлар тўлиқлигича туман бюджетига ўтказилганлиги, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи вилоят бюджети ҳамда туман бюджети ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2021 йил учун маҳаллий бюджет даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Қарорнинг 5-иловасига мувофиқ туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. 2021 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 660 млн.923 минг.сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий бекарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

10. Туман бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлигининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Туман ҳокимлиги туман бюджети қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин.

11. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Набиев), туман ҳокимлиги молия бўлими (С.Эгамбердиев), туман давлат солиқ инспекцияси (Э.Мўминов) лар, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг

фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритсинлар.

12. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши катъий белгилаб қўйилсин.

13. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Набиев), туман ҳокимлиги молия бўлими (С.Эгамбердиев):
туман бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;
ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

14. Вазирлик идораларининг шунингдек, вилоят ташкилоти, шаҳар ва туманларидаги ўрганиш бўйича тузилган йўл хариталари ҳамда йиғилиш баённлари билан маҳаллий бюджетларнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

15. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Набиев) Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини туман Кенгашига беришини таъминласин.

16. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Набиев), туман ҳокимлиги молия бўлими (С.Эгамбердиев), туман давлат солиқ инспекцияси (Э.Мўминов) лар бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун тегишли Кенгашга маълумот киритсинлар.

17. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Набиев), туман давлат солиқ инспекцияси (Э.Мўминов)лар Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва

тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. “Улуғнор” рўзномаси муҳарририяти (М.Қодирова)га,қарор матнини “Улуғнор” газетаси саҳифасида чоп этиш вазифаси топширилсин.

19. Мазкур қарор туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

20. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси (С.Абдуллахатов) ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (К.Набиев) зиммаларига юклатилсин.

Халқ депутатлари Улуғнор туман Кенгаши раиси: **Д.Махсудов**

Халқ депутатлари
Улуғнор туман Кенгашининг
2020 йил «30» декабрь даги
9/18-сонли қарорига
1-илова

Улуғнор туманининг маҳаллий бюджети даромадларининг 2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

млн.сўмда

	Даромад турлари	Миқдори
1	Айланмадан олинадиган солиқ	1 732 000,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	3 738 250,0
3	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	286 000,0
4	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 403 000,0
5	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	1 956 000,0
6	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	200 000,0
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	63 000,0
8	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	6 000,0
ЖАМИ		**9 384 250,0**
	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	**4 904 310,0**
1	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	3 184 610,0
2	Мобиль алоқа хизмати	1 719 700,0
ЖАМИ ДАРОМАД		**14 288 560,0**
Республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар		**52 464 656,0**
Хамма даромадлар		**66 753 216,0**

Улуғнор туман молия бўлими бошлиғи **С.Эгамбердиев**

Халқ депутатлари
Улуғнор туман Кенгашининг
2020 йил «30» декабрдаги
79/186-сонли қарорига
2-илова

2021 йил учун Улуғнор тумани бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
X	**Харажатлар миқдори, Жами**	**66 753 216,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**66 753 216,0**
1	**Халқ таълими бўлими**	**4 464 105,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 464 105,0
2	**Мактабгача таълим бўлими**	**4 564 367,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 564 367,0
3	**Тиббиёт бирлашмаси**	**29 156 620,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	29 156 620,0
4	**Маданият бўлими**	**1 199 032,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 199 032,0
5	**Жисмоний тарбия ва спорт бўлими**	**1 688 014,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 688 014,0
6	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими**	**520 789,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	520 789,0
7	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими**	**539 885,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	539 885,0
8	**Ирригация бўлими**	**1 336 993,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 336 993,0
9	**Қишлоқ хўжалиги бўлими**	**506 307,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	506 307,0
10	**Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши**	**424 883,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	424 883,0
11	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**3 636 735,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 636 735,0
12	**Молия бўлими**	**667 496,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	667 496,0
13	**Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлими**	**338 497,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	338 497,0
14	**Ҳокимият**	**17 709 493,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**17 709 493,0**

Улуғнор туман молия бўлими бошлиғи **С.Эгамбердиев**

Халқ депутатлари
Улуғнор туман Кенгашининг
2020 йил «30» декабрдаги
64/4-сонли қарорига
3-илова

Улуғнор туман Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Ҳудуд номи	Фойда солиғи	Айланмадан олинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғи	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	Йиғимлар*	Давлат божлари*	Жарималар*	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари
1	Улуғнор тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100

*Давлат божлари, жарималар ва йиғимларнинг айрим турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тегишли бюджетларга ажратма қилиниши мумкин

Улугнор туман молия бўлими бошлиғи **С.Эгамбердиев**

Халқ депутатлари
Улуғнор туман Кенгашининг
2020 йил «30» декабрь даги
90/486-сонли қарорига
4-илова

Улуғор туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил даромадлари ва харажатлариинг прогнозлари

минг сўмда

№	Ҳудуд номи	Даромадлар*	Харажатлар
X	**ЖАМИ**	**14 288 560,0**	**66 753 216,0**
1	Улуғнор тумани	14 288 560,0	66 753 216,0

* Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан ажратиладиган маблағларни инобатга олган ҳолда

Улуғнор туман молия бўлими бошлиғи **С.Эгамбердиев**

Халқ депутатлари
Улуғнор тумани Кенгашининг
2020 йил «30» декабрдаги
90/18-6-сонли қарорига
5-илова

Улуғнор туман маҳаллий бюджетга 2021 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори

минг сўмда

№	Худуд номи	Тартибга солувчи трансферт миқдори
X	**ЖАМИ .**	**52 464 656,0**
1	Улуғнор тумани	52 464 656,0

Улуғнор туман молия бўлими бошлиғи **С.Эгамбердиев**